

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ахмаджон Хайдарович Худаёров

Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти

[ahmadjon.haydarovich@gmail.com](mailto:ahmadjon.haydarovich@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада 1991-2020 йилларда Ўзбекистон солик хизматининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти ҳақида бўлиб, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш тизимдаги вазифалар ҳамда давр талабидан келиб чиқсан ҳолда, бу вазифаларнинг қайта кўрилиб, баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, амалда бу фаолият янада кучайиб борганлиги, мамлакатда мустақилликнинг дастлабки йилларида хусусий мулк ва бошқа мулкчилик шаклларининг вужудга келиши билан соҳадаги жиноятчилик турлари ортиб бориши ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** солик сиёсати, соликка тортиш, инвестиция, солик кодекси, солик қонунчилиги, жиноий фаолият, ҳуқуқбузарлик.

### ABSTRACT

This article deals with the activities of the system of Tax Service of Independent Uzbekistan in 1991-2020 in the field of law enforcement, with the emergence of private property and other forms of ownership in the country in the early periods of independence, and in the article described an increase of crime process in the tax system.

**Keywords:** tax policy, taxation, investments, tax code, tax legislation, criminal activity, offenses.

### КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистонда янги солик тизимини шакллантиришда унинг солик соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш соҳасидаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратиб келинди. Кейинги йилларда давр талабидан келиб чиқсан ҳолда, бу вазифалар қайта кўрилиб, баъзи ўзгартариш ва қўшимчалар киритилган бўлса ҳам, амалда бу фаолият янада кучайиб борди.

Маъмурий-буйруқбозлик шароитида солик соҳасидаги жиноятчилик барча мулк шакллари давлатники бўлганлиги

ҳамда пул-кредит тизимлари ҳам давлат ихтиёрида бўлганлиги сабабли жиноят турлари ҳам яққол кўзга кўринмас эди.

Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг сабабларини уч гурухга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) ижтимоий-иқтисодий сабаблар; 2) ижтимоий-ҳуқуқий сабаблар; 3) ахлоқий-психологик сабаблар.

*Ижтимоий-иқтисодий сабабларига* фуқароларнинг янгича муносабатларга кўнига олмаётганлиги, яъни ихтиёрий суратда ўз даромадларидан солиқ тўлашга ўрганмаганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки, маъмурий-буйруқбозлик тизимида барча соликлар фуқароларнинг иш ҳақларидан чегириб қолинар эди.

*Ижтимоий-ҳуқуқий сабабларига* эса кишилар онгида ҳуқуқий маданиятнинг тўла шаклланиб улгурмагани, хусусан солиқ тўғрисидаги ҳуқуқий билимлардан бехабарлик, солиқ соҳасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг бўшлиги ва ҳуқуқий механизmlар самарасининг камлигини қўрсатиш мумкин[1, 54.56].

*Ахлоқий-психологик сабаблар* солиқ соҳасидаги жиноятчиликнинг асосини ташкил қилиб, боқимандалик кайфияти, мавжуд солиқ тизимларини менсимаслик ёки тан олмаслик, соликдан яшириб қолиш ва бошқалар.

Бозор муносабатлари ривожланган сайн тадбиркорлик кучайиб солиқ тўловчи янги фирмалар, компаниялар, корпарациялар сони кўпайди. Ҳақиқий тадбиркорлар, бизнесменлар орасида соxта ишбилармонлар ҳам кўпайишига шароитлар яратилиб, қонун бўйича соликлар тўламаслик давлатдан ҳам ортиқча пулларни яшириш ҳолатлари кузатилади.

Республика солиқ органларининг тузилмасини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг солиқка доир ҳуқуқ бузишларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва олдини олишга оид фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси[2], Давлат солиқ қўмитасига бўйсиндирилиб[3], 1995 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра тафтиш-назорат ишлари Бош бошқармасига айлантирилди ҳамда унинг тузилмаси тасдиқланди[4].

## АДАБИЁЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада тарихийлик, тизимлаштириш, холислик тамойиллари ҳамда қиёсий ва муаммовий-хронологик таҳлил, умумлаштириш каби методлардан, шунингдек республикамиз олимлари тадқиқотларидан фойдаланилган.



Ўзбекистонда солик хизматининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти тадқиқ этиш тарихий генезиси ва эволюцияси, такомил босқичларига бағишиланган тадқиқотларни объектив таҳлил қилишни тақозо этади. Бу қиёсий таҳлил Ўзбекистон Республикасида мазкур тизимнинг вужудга келиши ҳамда бу соҳада қўлга киритилган ўзига хос ютуқлар ва муаммаларни аниқлаш имконини беради.

Жиноятчилик турларидан бири жиноятчилар сотилган маҳсулот ҳажмини камайтириш, унинг таннархини ошириш, нақд пул билан олинган тушумни кирим қилмаслик, бошқаларнинг ҳисоб варақаларидан ўзаро келишган ҳолда фойдаланиш сингари ғайриқонуний йўллардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Шундай жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида мулкчилик шаклидан қаъти назар, барча савдо ташкилотлари солик қонунларига қандай риоя этилиши ўрганилди.

Жумладан, 1994 йилнинг уч ойида республика бўйича салкам 19 мингта солик қонунбузарлиги аниқланган бўлса, 1995 йилнинг уч ойида бу кўрсаткич салкам 26 мингтага етди. 1995 йилнинг май ойигача ўтган даврда республика бўйича 35 минга яқин режали текширув ва рейdlар ўтказилди. Жами 19154 та қонунбузарлик, савдо қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Бундай қоидабузарликларни олдини олиш мақсадида солик хизмати ходимларидан ташқари назорат идораларининг вакиллари иштироқида доимий грухлар тузилди. Улар томонидан кўча савдоси ва бозорлардаги тартиб назорат қилинди. 1995 йилда бу ишлар янада кучайди. Агар 1995 йилнинг 1 чорагида текширишлар сони 3606та, аниқланган қоидабузарликлар сони 2083 та бўлган бўлса, 1995 йилнинг сўнгига қадар текширувлар сони 11302 тани ташкил этди ёки 7696 тага кўпайди, 6497 та қоидабузарлик аниқланди[5].

1996 йилнинг уч ои давомида ўтказилган рейд ва текширувлар давомида жойларда салкам 36 мингта қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди, бу рақамлар, бир томондан, солиқчилар маҳорати ошиб бораётганлигини, барча қоидабузарликлар фош этилаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий тарбия сустлашиб бораётганлигини кўрсатди.

1996 йили солик идораларининг ходимлари мамлакат бўйлаб 250 мингдан ортиқ текширув, олти мингта яқин рейд ўтказдилар.

Шу жараёнда 145 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарлик аниқланди[6, 34].

1996 йилнинг саккиз ойи мобайнида солиқ идоралари томонидан 724 жиноий иш қўзғатилди. Улар асосида даромадни яшириш ҳамда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, харидор ёки буюртмачиларни алдаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, ноқонуний савдо ва воситачилик фаолиятига доир фактларга асосланилди.

Яъни бу ерда текширишлар сонини ҳамда қоидабузарликларнинг ўсиб боришини кўришимиз мумкин

1996 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 38890 текшириш ўтказилган бўлса, шундан 26764 (69%) ҳолатда хукуқбузарлик фактлари аниқланиб, бюджетга қўшимча тарзда 57110,6 минг сўм ўтказилди. Мансабдор шахслардан 5734,6 минг сўмлик, жисмоний шахслардан 2413,2 минг сўмлик жарима ундирилди, давлат фойдасига 508,2 минг сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди.

2476 материал маъмурий комиссиялар кўриб чиқиши учун, 403 таси хукуқни муҳофаза қилиш идораларига, 1512 таси прокуратурага, 1964 таси суд идораларига юборилди[7,11].

Бошқарма ходимлари томонидан фуқароларнинг дўконлар ишидаги камчиликлар, савдо қоидалари бузилишига доир 600 дан ортиқ ариза ва шикоятлари кўриб чиқилди.

1998 йил ярим йилда жисмоний шахслардан солиқларни ундириб олиш юзасидан катта иш бажарилди. 14,5 мингтадан кўп рейд ўтказилиб, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 58428 нафар тадбиркор текширилди, Масалан Андижон вилоятида 27006 солиқ тўловчидан, 10517 таси текширилди, шулардан 2891 нафари қоидани бўзиб келаётганлиги, Жizzахда - 8975 нафар солиқ тўловчининг 3763 таси текширилганда 2524 таси, Навоийда - 7237 нафар жисмоний шахснинг 3928 таси текширилганда 3786 таси, Фарғонада - 26398 солик, тўловчининг 8808 нафари текширилганда 4099 таси, Хоразмда - 10633 нафар солиқ тўловчининг 3854 таси текширилганда 2259 таси қоида бузайтганлиги аниқланди. Солиқ органлари барча қоида бузувчиларга нисбатан тегишли чораларни кўриб жарима солдилар, молиявий санкцияларни қўлладилар, айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортилди[8, 2].

## НАТИЖАЛАР

Солиқ тўловчи юридик шахслар текширувини таҳлил қиласидан бўлсақ, 1998 йил биринчи ярми якунларида республика бўйича 36 мингтадан зиёд солиқ тўловчи юридик



шахслар текширувдан ўтказган бўлса 23 (64%) минг қоида бузилиш ҳоллари аниқланган. Дароматларни ва солиққа тортиладиган ўзга обьектларни яширишга оид олти мингдан кўп ҳолат фош қилинди. Қўшимча ҳисобланган тўловлар суммаси 3792515 минг сўмни, молия санкцияларнинг умумий ҳажми 2468198 минг сўмни ташкил қилди. 37894 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, маъмурий жарималар 117816 минг сўмдан ошиб кетди. Солиқ ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлар сони Тошкент шаҳрида 4357, Бухорада вилоятида 2180, Фарғонада 2171, Қашқадарёда 1899, Самарқандда 1833 та бўлди. Дароматларни ва солиққа тортиладиган ўзга обьекларни яширганлик ҳолатларининг 1057 таси Тошкент шаҳрига, 517 таси Самарқанд, 483 таси Наманган, 462 таси Андижон вилоятига тўғри келди[9,2]. Текширувларни амалга ошириш ишида жиддий вазиятлар юзага келди. Назорат қилувчи идораларнинг айрим мансабдор шахслари текширув ўтказишнинг зарурлигини кўрсатиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний равишда аралashiшига, аслини олганда мамлакат бойлигини яратаетган тадбиркорларнинг иш самарадорлиги ва барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди.

## МУХОКАМА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён тадбиркорликка кенг эътибор берилмоқда, аммо турли ташкилотлар томонидан асоссиз текширувлар бу фаолият турига жуда катта тўсиқ бўлиб келмоқда.

Жумладан, 1999 йилдаги фаолияти якунларига кўра республикада 34 та вазирлик ва идоралар корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятидан тортиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг санитар ҳолатигача бўлган кенг кўламли масалаларни текширишдан иборат бўлган назорат хуқуқига эга эди.

Тадбиркорларни йўналишлар бўйича текшириш тижорат банклари, (1998 йилда 54726 ва 1999 йилда 55538 та), Солиқ идоралари текширувлари (1998 йилда 57061 ва 1999 йилда 48855 та), Ёнгиндан сақлашни назорат қилиш давлат идораси текширувлари (49519 дан 11076 та) ни амалга оширилиши тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувига сабаб бўлди. Текширувлар 1998 йилга нисбатан 27 фоизга қисқарган бўлса, уларнинг 77 фоизи кенг қамровли (комплекс) равишда ўтказилди. Режасиз текширувлар миқдори 5 баробардан зиёд камайган, Кенгаш руҳсатисиз ўтказилганлари эса 10 баробар қисқарган[10].

Яна бир муаммолардан бири текширишларни ўтказишга, доир белгиланган талабларга риоя этилмасдан, яъни ходимларни буйруқ чиқарилишидан олдин комплекс текширишни бошлиш, белгиланган муддатдан кўпроқ текширув жараёнларини олиб бориш ҳолатлари, текширишлар сифатсиз ва нотўғри ташкил этилиши, бир қатор асоссиз қарорлар қабул қилинишига олиб келди. Натижада 2017 йилда бу борадаги фаолият танқидий-таҳлил асосида қайта кўриб чиқилди ва бугунги кунга кадар анча ижобий ўзгаришларга эришилди.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра ўтган йиллар давомидаги энг оммабоп ҳукуқбузарликлар қўйидагилардан иборат бўлди.

- савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, шу жумладан харидорларга чек (квитанция, ҳисобварақ) бермасдан товарларни, маҳсулотларни (хизматлар) сотиш (хизматлар кўрсатиш); назорат-касса машиналарини қўллаш тартибига риоя қилмаслик; пул билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов терминалларини қўллаш тартибига риоя қилмаслик; нархларни асоссиз ошириш;
- бинолар, иншоотлар, тураг жойларни нотариал тасдиқланган шартномасиз ижарага ёки текин фойдаланишга бериш;
- уй-жойга бўлган мулкий ҳукуқларни ўз вақтида расмийлаштирмаслик;
- солиқ органларига даромадлар тўғрисидаги декларацияни ўз вақтида топширмаслик;
- тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний амалга ошириш;
- автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш бўйича фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш;
- солиқ органларига солиқ ҳисботларини ўз вақтида топширмаслик;
- муддати ўтган дебиторлик қарзи;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун хизмат кўрсатувчи банкка ўз вақтида тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда қўмитада, маҳаллий солиқ идораларида тизимни эгри қўл, хизмат мавқенини суистеъмол қилувчи шахслардан тозалашга доир қаттиқ чоралар кўрилсада, марказий маҳкамада ҳам, худудий идораларда ҳам баъзан профилактиканинг роли тўғри баҳоланмади, бу эса, табиийки, салбий ҳодисаларга қарши

кураш самарадорлигини сусайтириди. Минтақавий бўлинмаларда моддий-техникавий таъминотдаги камчиликлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Фаолият жараёнида бир-бирини такрорлаш, лоқайдлик ва бепарвоникка тўла чек қўйилмади. Бу шунга олиб келдики, қўпинча жойлардаги айни бир ижрочининг ўзига мазмунан бир хил масала юзасидан икки-уч топширик, берилиши, ҳодимларни ўз хизмат вазифаларидан ташқари ортиқча ишларга жалб қилинишига олиб келди. Бу эса ўз ўзидан кишида ўзига топширадиган иш жавобгарлиги учун маъсулият ҳиссининг сусайишига олиб келди. Бу хил топшириклар мазмунан бирдек бўлса, улар ижроси учун ҳар ким ҳар ҳил муддат белгилади. Иш жараёнидаги тадқиқодларимиздан келиб чиқсан ҳолда бунинг сабаби, бошқармалар ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик йўқлигига эди деган хулосага келинди.

Ўзбекистон Республикаси солик хизматининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти борасидаги тадқиқодларимиздан келиб чиқиб, хулоса ўрнида қўйидаги таклиф ва амалий тавсиялар илгари сурилди:

1. Жамиятда адолатни янада мустаҳкамлашда, қонун устуворлигини таъминлашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

2. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти ишида жиноятларни аниқлаш ҳамда яширин иқтисодиётга қарши курашда тезкор имкониятлардан фойдаланишни кучайтириш;

3. Солик маъмуриятчилигига коррупциявий муҳитни шакллантираётган, давлат солик хизмати органларининг деярли барча бўгинларида ҳодимлар коррупциялашувига олиб келаётган сезиларли шарт-шароитларнинг мавжудлиги, мақсадли текширувлар ташкил этиш учун соликларни тўлашдан мунтазам равишда бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек, соликقا оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш тизимини такомиллаштириш.

4. Мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси солик маъмуриятчилиги тизимини

такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олиш.

5. Солик маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича чораларни кучайтириш.

6. Солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда низоли масалалар юзасидан хуносалар чиқариш.

7. Солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлашда солик тўловчилар ва давлат солик хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиши ва солик низоларини кўриб чиқиши жараёнида аниқланган солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш.

## REFERENCES

1. Бобожонов А. Солик ва тўловларни қасдан яшириш живоятлари - солик маданаятининг ривожланишига салбий таъсир этувчи омил // Ички ишлар органларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2001. -Б. 56-59. Ортиков А., Ортиков Б. Солик соҳасидаги хуқукбузарликларнинг иктисадий-хуқуқий мазмуни // Ўша манба. -Тошкент, 2001. – Б.54-56.
2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. <https://lex.uz/docs/540795>
3. Ўзбекистон Республикаси давлат солик қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. <https://lex.uz/docs/804330>
4. Ўзбекистон Республикаси давлат солик қўмитасининг фаолияти масалалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. <https://lex.uz/docs/450329>
5. Солиқлар ва божхона ҳабарлари. 1995 йил, №22 (46)
6. Носиров Ж.Хавф-хатар остида // Солик тўловчининг журнали, 1997 йил, 2(14) сон.-Б.34.
7. Тахтин С. Бош мезон-конун // Солик тўловчининг журнали, 1996 йил, 1-сон, январь.-Б.11.
8. Беганов В.Солик тўловчи - давлат таянчи // Солик тўловчининг журнали, 1998 йил, 7-8 (31-32) сон.-Б.2.
9. Ўша жойда
10. Солиқлар ва божхона ҳабарлари. 2000 йил 16-22 март. № 11 (295).